


# ТАЪЗИЯ

Image not found or type unknown



13:14 / 08.07.2017 11685

## ТАЪЗИЯ

الْمَعْنَى سِحْرٌ أَنْبِيَاءُ أَنْوُلُ بَيْلَةِ أَيَّ حُلَاوَتٍ وَمَلَا قَلْحٍ يَدَّلُ هَلْ دُمَّ حُلَا  
نِيَعْمُ حُلَا وَبِأَخْصَاوِ هَلْ آيَلَعٌ وَدُمَّ حُلَا وَوَسَّرَ يَلَعُ مَالٍ سَلَاوَةً أَلَّصَلَاوِ  
نوع جار هي ل ان او هل ل ان

*Барчамизни Аллоҳ таоло яратган. Тақдирларимизни ихота қилувчи ягона  
Зот ҳам фақатгина Роббимизнинг Ўзидир...*

*Бугун islom.uz порталининг техник ходими, кўплаб вебсаҳифаларимизнинг фаолиятига, ташқи кўриниши ва сифатига катта ҳисса қўшган, динимизнинг ривожини йўлида хизматини аямаган қадрдон укамиз **Айюб Рамз** Аллоҳ азза ва жалла белгилаган вақт-соат етиб, фоний дунёдан боқий дунёга риҳлат қилдилар...*

Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун!

«Ҳилол-нашр» матбаа-нашриёти ҳамда порталимиз ходимлари ҳамда юртимиздаги барча мўмин-мусулмонлар номидан Айюб Рамзнинг оила аъзоларига, хусусан волидаи мухтарамаларига чуқур таъзия изҳор қиламиз.

Инсон ҳаёти давомида ўқийди, илм ўргангани ва уларга амал қилишга ҳаракат қилади. Кимки ўрганганларига аввал ўзи амал қилиб, сўнг уни бошқаларга ҳам ўргатса, сўзи таъсирли бўлади, эшитган одамнинг қалбига етиб бориб, ўрнак олишга, амал қилишга ундайди. Бундай амал қилувчиларни ҳаётимиз давомида кам учратамиз. Ходимимиз Айюб Рамз ҳам ана шундай изланувчан, тиришқоқ, фаол, эзгу ишларда жонкуяр инсонлардан эди. Айбхон айниқса муслимаат.уз сайтининг янги қиёфасини тайёрлашда кўп меҳнат қилган, унинг дастлабки рамзини ҳам ўзи тайёрлаган эди.

Ҳадиси қудсийлардан бирида айтилади: **«Эй Одам фарзанди! ...Албатта, Мен сизларнинг суратингизга ҳам, чиройингизга ҳам қарамайман. Балки қалбингизга қарайман ва сизлардаги яхши хислатлардан рози бўламан»**. Айюб Рамз ҳам яхши хислатлар эгаси бўлиш билан бирга, барчани Ватанга, бутун мавжудотга нисбатан меҳр билан яшашга чорлаган ҳассос қалб эгаси эдилар.

Аллоҳ таоло қилган барча яхши амалларини ўзига ҳамроҳ айласин!

*«Ҳилол-нашр» матбаа-нашриёти*

*Ислом.уз портали*

*Муслимаат.уз саҳифаси*